

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2021 йил декабрь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида шаҳар судининг судьяси Д.Олимовнинг раислигида, А.Юлдашевнинг котиблигида, тарафлардан Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Дадабоев ва судланувчи А.Абдусаматов ва унинг адвокати Ж.Мамажанов, жабрланувчининг қонуний вакили О.Кориев иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан Шарипов Зоҳид Зокировични айбланиш ҳақидаги №1-1601-2105/971-сонли жиноят иши кўриб чиқилди, иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Шарипов Зоҳид Зокирович 1989 йил 21 март куни Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Орзу Тревел” х/к раҳбари, Наманган шаҳар, “Ишонч” МФЙ, Пахталикўл кўчаси 4-уйда истиқомат қилади, жиноят иши бўйича ЖКнинг 221-моддаси тартибида 2021 йил 21 сентябрь куни ушланган, 2021 йил 29 сентябрь куни қамоқ эҳтиёт чораси гаров эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, айблов ҳулосасини ўз вақтида олган.

Суд, очиқ суд мажлисида, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳнинг кўрсатувларини, давлат айбловчиси ва адвокатнинг фикрларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, уларни суд мажлисида текширилган далиллар асосида муҳокама қилиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи З.Шарипов 2020 йил январь-февраль ойларида М.Худайбердиевни алдаб, унга Саудия Арабистонига “Умра” сафари учун Наманган шаҳридан борган 200 нафар фуқароларни кутиб олиб, “Умра” амалларини бажаришлари учун шароит яратиб беришини сўраб, М.Худайбердиев томонидан ушбу фуқароларни “Умра” сафари давомида озиқ-овқат ва кундалик бошқа сарф-харажатлари учун ўз ҳисобидан ишлатган 55.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни шу кунга қайтариб бермасдан, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборган.

Судда сўралган судланувчи З.Шарипов айбига тўлиқ иқрор бўлиб ҳақиқатдан ҳам 2020 йил январь-февраль ойларида ўзига қарашли бўлган “Орзу Тревел” хусусий корхонаси орқали “Умра” сафари учун Наманган шаҳридан бўлган фуқароларни Саудия Арабистонига жўнатганини, уларни у ерда олдиндан танаши бўлган Худайбердиев Мухаммадюсуф кутиб олиб, уларни кунлик харажатлари учун ўз ҳисобидан тўловларни амалга ошириб юрганлигини, 2020 йил февраль ойи бошида М.Худайбердиев қамалиб қолганини ва у билан ўрталарида пул олди-берди қолиб кетганлигини,



М.Худайбердиев қамоқдан чиқиб, Наманганга келганидан сўнг, у билан ўрталаридаги пулларни ҳисоб-китоб қилганларида, ушбу пуллар 55.000 АҚШ долларини ташкил қилганини, бироқ ўзи ҳам ушбу ишда зарар кўриб қолганлиги ва моддий шароити бўлмаганлиги боис М.Худайбердиевга пулларни қайтара олмаганлигини, М.Худайбердиев кейинчалик пулларини сўраганида ушбу пулларни тан олмасдан, уларни қайтармаслигини айтганини, ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов давомида овозли ёзувлар эшиттирилганда ҳам уларни овозлари эмаслигини айтиб, тан олмаганини, жиноят иши бўйича қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилгандан сўнг, отаси Шарипов Зокир билан кўришганини ва М.Худайбердиевга етказилган зарарни қоплаш мақсадида ўзларига қарашли бўлган квартирани ва қолганига нақд пулларни беришга келишиб олганини, ҳозирда М.Худайбердиевга етказилган зарар тўлиқ қоплаб берилганини, М.Худайбердиевдан бу иши учун узр сўраганини, қилган ишидан пушаймондалигини баён қилиб, суддан қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув берди.

Судда сўралган жабрланувчининг қонуний вакили О.Кориев ҳақиқатдан ҳам М.Худайбердиев томонидан судларда қатнашиш учун қонуний вакил сифатида нотариус орқали ишночнома қилдириб берганини, М.Худайбердиев ва З.Шариповлар ўртаисдаги олди-берди масаласи бўйича таниши М.Худайбердиев Қирғизистон Республикаси фуқароси бўлганлиги боис Шарипов Зокир отаси Шарипов Зокир томонидан М.Худайбердиевга етказилган зарарни қоплаш мақсадида берилган Наманган шаҳар, Озод МФЙ, “Зерабулоқ” кўчасида жойлашган 3-уй, 7-сонли квартира Яхёхўжаев Жамолхонни номига Шарипов Зокир онаси Турсунова Сохиба исмли аёл номидан нотариал идора орқали олди-сотди шартномаси тузиш йўли билан ўтказиб берилганини, ушбу квартира сотилгандан сўнг, унинг пулларини ҳаммасини М.Худайбердиевни ўзи олганини, ҳозирда ИИБ депозит рақамида сақланаётган 213.200.000 сўмни ундириб берилишини сўраб кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ Шарипов Зокиржон ҳақиқатдан ҳам Шарипов Зокир ўғли бўлишини, 2021 йил 21 сентябрь куни ўғлини ИИБ ходимлари қамаб қўйганлигини билганини ва эртаси куни ўғлини Қирғизистон Республикасидан бўлган Мухаммадюсуф исмли бола билан 55.000 АҚШ доллари миқдоридаги олди-бердилари бўлганлиги сабабли, устидан жиноят иши қўзғатилганлигини ва шу сабабли қамоққа олинганлигини билганини, буни билганидан сўнг, ўғли билан кўришиб, гаплашганини ва у тўлаб бериши керак бўлган 55.000 АҚШ доллар миқдоридаги пулларни тўлашга келишиб олганини, ўғлини қарзини тўлаш мақсадида ўзларига қарашли бўлган, турмуш ўртоғи Турсунова Сохибани номида бўлган Наманган шаҳар, “Озод” МФЙ, “Зерабулоқ” кўчасида жойлашган 3-уй, 7-сонли квартирани Мухаммадюсуфни ўзи билан келишилган ҳолда, уни Ўзбекистондаги вакили бўлган Яхёхўжаев Жамолхон исмли шахсни номига ўтказиб беришга келишиб, ушбу квартирани нархини ўзаро 35.000



АҚШ доллариди ҳисоблаб, нотариал идора орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштириб берганини, қолган 20.000 АҚШ долларини ҳам ИИБ депозит ҳисоб рақамига тушириб келганини баён қилиб кўрсатув берди.

Судланувчи З.Шариповнинг содир қилган жиноий ҳаракати айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жиноят ишидаги тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомалари, нарсани кўздан кечириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, судланувчи З.Шарипов томонидан содир қилинган жиноятни юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий хатти-ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг: 1-бандида судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги; 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; 37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори,



жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилган ҳолда судланувчи З.Шариповга нисбатан жазо тайинлашда айбига иқдор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, унинг шахсини ва содир этган жиноий қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини, шунингдек ЖКнинг 168-моддасининг 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан махрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланганлигини инobatга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб у айбланаётган моддаси санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни ва ЖКнинг 62-моддаси тартибда судланувчининг қамоқда ўтирган кунларини тайинланган жазодан чегиришни лозим топади.

Суд, судланувчи томонидан зарарни қоплаш учун Наманган вилояти ИИБ депозитга қўйилган 213,200,000 сўмни жабрланувчининг қонуний вакили О.Кариев фойдасига ундиришни, шунингдек Наманган шаҳар, “Озод” МФЙ, “Зерабулоқ” кўчасида жойлашган 3-уй, 7-хонадони 35.000 АҚШ долларига баҳолаб, жабрланувчини қонуний вакили Ж.Яхёҳўжаев номига нотариал идора орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштириб берилганини инobatга олишни лозим топади.

Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган М.Худайбердиевдан олинган бир дона, М.Турсунхўджаевдан олинган бир дона, З.Шариповдан овоз намуналарини олиш вақтида ёзилган аудио ва видео тасвирлар туширилган икки дона СД дисклар, овозли ёзувлар стенограммаси баённомалари ва тергов ҳаракатлари акс этирилган бир дона СД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни ҳамда судланувчи З.Шариповга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни ва гаров қўйилган 5.600.000 сўмни судланувчи З.Шариповга қайтаришни лозим топади.

Шунингдек, суд манфаатдор тарафларга мазкур жиноят иши юзасидан келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай моддий ҳамда маънавий зарарни ундириш юзасидан тегишли тартибда фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-455, 462-463, 465-468, 471-473-моддасини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Шарипов Зоҳид Зокирович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин.



Судланувчи Шарипов Зоҳид Зокировичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида судланувчи З.Шариповнинг қамоқда ўтирган тўққиз кунининг бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегириб, узил-кесил ўташ учун иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой 3 (уч) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Судланувчи З.Шариповга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ИИБ томонидан тайин этилган жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати судланувчининг жазони ўташ учун юборилган жойларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи З.Шариповга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ва гаров қўйилган 5.600.000 сўм судланувчи З.Шариповга қайтарилсин.

Зарарни қоплаш учун Наманган вилояти ИИБ депозитга қўйилган 213,200,000 сўм жабрланувчининг қонуний вакили О.Кариев фойдасига ундирилсин.

Наманган шаҳар, “Озод” МФЙ, “Зерабулоқ” кўчасида жойлашган 3-уй, 7-хонадон жабрланувчининг қонуний вакили Ж.Яхёхўжаев номига нотариал идора орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштириб берилгани инобатга олинсин.

Жабрланувчига етказилган зарар бартараф қилинганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган М.Худайбердиевдан олинган бир дона, М.Турсунхўджаевдан олинган бир дона, З.Шариповдан овоз намуналарини олиш вақтида ёзилган аудио ва видео тасвирлар туширилган икки дона СД дисклар, овозли ёзувлар стенограммаси баённомалари ва тергов ҳаракатлари акс этирилган бир дона СД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Манфаатдор тарафларга мазкур жиноят иши юзасидан келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай моддий ҳамда маънавий зарарни ундириш юзасидан тегишли тартибда фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукм устидан апелляция шикоят ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

Д.Олимов

